# Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 август сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 161 (2199)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Биз, турли миллат ва дин вакиллари Фарғона вилоятида мустақил юртимизнинг тинч, эркин фуқаролари сифатида Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини катта кўтаринкилик, фахр ва қувонч билан кутиб олиш руҳида яшаб, меҳнат қилаяпмиз. Ўтган саккиз йил жонажон Ўзбекистонимиз тарихида, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган даражадаги буюк воқеаларга, моҳиятан асрларга татигулик даври-давронларга тенг бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Иқтисодий, ижтимоий ва барча жабҳалардаги ижобий ўзгаришлар мустақиллигимиз салоҳиятини оширибгина қолмай, мамлакатнинг дунёдаги обрў-эътиборини янги поғоналарга олиб чиқди. Айниқса, ғаллакорларимизнинг улкан муваффақияти, нефть мустақиллигига тўлиқ эришганлигимиз, пахтакорларнинг юксак хирмон учун тинимсиз кураш олиб бораётганликларини кўриб, бу юртнинг келажаги порлоқ эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиляпмиз. Бу оламшумул ютуқларнинг барчаси Сизнинг бевосита раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингиз туфайли амалга оширилаётганлигини турли динларга мансуб диндорлар ҳам алоҳида фахр ва ғурур билан қайта-қайта такрорлашмоқда.*

*Халқимиз бугунги кунда ҳурлик, озодлик нашидасини ҳар доимгидан яхшироқ ҳис қилмоқда. Биз, турли динга мансуб диндорларга ибодат ва маросимларни бемалол, эмин-эркин бажаришимиз учун барча шароитларнинг яратиб берилганлигини қутлуғ байрам арафасида алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.*

*Яратиб берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, кундалик намозларда, ибодатларда ва бошқа диний маросимларда Сизнинг номингизга дуои хайрлар қиляпмиз. Сизга чин қалбдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаймиз.*

**У. ТУРДИЕВ — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили,**

**Ч.К. КИМ — Фарғона шаҳар инжилчи-христианлар “Надежда” ибодатхонаси пастори,**

**М.В. УХАНОВ — Фарғона шаҳар “Еттинчи кун адвентистлари” христиан черкови пастори ва бошқалар.**

## ХАРИДОР ЭЪТИБОРИ — УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ



*«Боғоттўқув» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ана шу шиор остида ишламоқдалар. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарсанг-у, унга харидор топилмаса, бундан не наф? Бу ерда асосан дока, бўз, хоремийка каби матолар ишлаб чиқарилади. Улар сифати жиҳатидан нозик таъб харидорларга маъқул тушмоқда. Шу боис бугунги кунда корхона маҳсулотлари республикамизнинг барча вилоятларига жўнатилаяпти. Айни шу ҳол корхонада меҳнат қилаётган 450 нафар ишчи-хизматчиларни янги зафарларни қўлга киритишга даъват этмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: тўқувчилар Соражон Бекжонова ва Муҳаббат Боқиева; Роза Султонова ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлаётир.**

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Кеча Олий Мажлисда Инсон эркинликлари ва конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартибига киритилган масалалар ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқларига бўйича вакили (Омбудсман)нинг беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова маъруза қилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган кундан эътиборан, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда мамлакат фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ташкилий тузилмалар ва қонун асосларининг шаклланиш жараёни давом этмоқда.

Ўтган давр мобайнида халқаро тараққиётнинг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида ташкилий-ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу борада муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, устувор йўналишлар белгилаб олиниб, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро меъёрларни қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлигини очиқ-ойдин баён қилди.

Инсон эркинликлари ва конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича комиссия беш йил давомида Олий Мажлис қўмиталари, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил халқаро конвенцияларни таҳлил этиш ва ўрганиш, миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида самарали ишларни бажарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Бугров сўзга чиқди.

Мажлис ишида Президент девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров иштирок этди.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олий Мажлис сессияси олдидан

# ҚОНУНЛАР ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Акмалжон ҚОСИМОВ билан суҳбат***

**— Ҳурматли Акмалжон Қосимович, маълумки, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятини якунлаш арафасида турибди. Суҳбатимиз аввалида Парламентимизнинг беш йиллик фаолияти хусусида ўз фикрингизни билдирсангиз.**

— Тўғри эслатдингиз. Мана, беш йил ҳам ҳа дегунча ўтиб кетди. Аммо бу муддат ичида ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўлдик. Хабарингиз бор, Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзланган тарихий маърузада «Қисқа вақт мобайнида Ўзбекистоннинг мустақил ривожлантириш борасида биз нималарга эришдик?» деган саволга жавоб қайтарилиб, **«Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик»**, дея алоҳида таъкидланганди. Бу демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунлар, демократик тушунчалар, эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқиш ва кундалик ҳаётга татбиқ қилиш ишига сафарбар этилган Парламентимизнинг ҳам фаолиятига берилган муносиб баҳодир.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Мўъжизага қиёс ўзгаришлар бўлмоқда. Энг муҳими, уларнинг аниқ ва самарали натижаларини халқимиз ўз кундалик ҳаётида кўриб турибди. Ўзгариш, янгиланиш, эркин, адолатли жамият қуриш, демократик тамойилларга риоя этиш ҳаёт тарзимизга айланмоқда.

Амалга оширилаётган ана шу кенг кўламли ва кенг миқёсли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, адолатли демократик жамият қуриш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган муҳим Қонун ва қарорлар қабул қилиш Парламентимиз зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Юқорида айтилганидек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятини Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан юксалиши, одамларнинг моддий ва ижтимоий турмушидаги ижобий ўзгаришлар, тарихий, миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши, жамиятимизнинг демократлашуви шаклланаётган бир даврда, мамлакатимизнинг жаҳон майдонида обрў-эътибори ва мавқеи ошиб бораётган тарихий бир пайтда поёнига етказмоқда. Очиғи, кўп партиявийлик асосидаги демократик сайловлар натижасида 1994 йилда шаклланган Ўзбекистон Парламенти эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган давлатимиз ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича самарали фаолият олиб борди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган йўналишларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис қонун яратиш фаолиятини такомиллаштириб, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, демократияни ривожлантириш, қонун устуворлигини, маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устунлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим вазифаларни собитқадамлик билан ҳал қилиб келмоқда.

Олий Мажлиснинг ўтган ўн тўртта сессиясида ўнта кодекс, 130 га яқин қонун, 460 дан ортиқ қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, деярли барча қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти ўрганилди. Қонунларга 200 га яқин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Яна бир ютуқ шуки, ўтган давр мобайнида Олий Мажлис ўз ваколатларидан самарали фойдаланганлиги натижасида парламентчилигимизнинг демократик асослари вужудга келди. Улар Олий Мажлис ишидаги янги ёндашувларда намоён бўлди. Парламентимиз кенг ошкоралик шароитида ўз қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти дастурига мувофиқ иш олиб борди. Қонун лойиҳалари Олий Мажлисга «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонунга қатъий мувофиқ равишда киритилиши юзасидан чоралар кўрилди. Бўлғуси сессиялар кун тартибидаги қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Кенгашининг мажлисларида олдиндан муҳокама этиш, сессияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун депутатлар ишчи гуруҳлари тузиш анъанага айланди. Бундай гуруҳлар қонун лойиҳалари депутатларга олдиндан юборилишини ташкил этиб, Олий Мажлисда ўтказиладиган тадбирларнинг матбуотда, телевидение ва радиода ёритилишини таъминладилар.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан махсус гуруҳлар тузиш, Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тушунтириш мақсадида депутатларнинг ўз сайлов округларига боришлари, асосий қонун лойиҳаларининг матбуотда эълон қилиниши ва аҳоли томонидан кенг муҳокама этилиши одат тусига кирди. Лойиҳалар юзасидан тушган таклифларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва умумлаштириш, қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Раиси бошчилигида масъул ижрочилар, мутахассислар, олимлар ва экспертлар иштирокида муҳокама этиш сингари иш усуллари кундалик амалиётдан мустаҳкам ўрин олди.

Қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказишга, уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини таъминлашга, амалдаги қонунлар ҳамда тайёрланаётган қонун лойиҳалари таҳлилига республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг етакчи олимларини жалб этишга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу иш Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан фаол тарзда олиб борилди, институт қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини оширишга баракали таъсир кўрсатди.

Парламентаризм тажрибаси Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси расмий депутатлар фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ишининг янги шакллари билан бойитилди. Улар Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган барча масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқмоқдалар. Партия фракциялари ва депутатлар блоки ўз аъзоларининг ягона фикрини ифода этиб, қонун лойиҳалари юзасидан ҳар тарафлама пишиқ-пухта, маромига етказилган таклифларни киритмоқдалар. Бу эса Парламентнинг самарали, бир маромда ишлашида қўл келмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

16 август куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов олиб борди.

Парламент депутатлари, Олий Мажлис Котибияти бўлимларининг раҳбарлари 19 август куни Тошкентда очиладиган ўн бешинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинган ишларга якун ясадилар. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари, депутатлар Т. Зокиров, Б. Наимов, Ў. Ҳошимов, И. Кочмарик қонун лойиҳалари, сессия бошқа материаллари кўриб чиқиш учун тайёр эканлигини маълум қилдилар, лойиҳалар юзасидан Олий Мажлис қўмиталарига тушаётган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиш якунланаётганини, улар ҳужжатларнинг маромига етказилган сўнгги вариантида инобатга олинаётганини таъкидлаб ўтдилар. Сессия ишига доир барча материаллар жойлардаги депутатларга барвақт юборилди.

Депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари А. Қосимов мажлис қатнашчиларига бўлғуси сессия кун тартибига киритилаётган қўшимча масалалар ҳақида ахборот берди. У Парламентнинг ўн бешинчи сессиясида Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳар Кенгашларига навбатдаги сайловлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш санаси кўриб чиқилиши муносабати билан бу сессиянинг алоҳида муҳим аҳамиятга молик эканини таъкидлади.

Мажлисда қайд этилганидек, депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ҳужжатлар устида ишлаш, сессияга келаётган депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, шунингдек, мажлислар залида «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий-техникавий масалалар мажмуи қисқа муддатларда ҳал қилинди.

Мажлис қатнашчилари Олий Мажлис депутатларининг сессия арафасида анъанавий равишда ўз сайловчилари билан округларда ўтказган учрашувларига якун ясадилар. Учрашувлар яхши савияда, аҳоли кенг қатламларининг фаол иштирокида ўтганлиги таъкидланди. Учрашувларда депутатлар фуқароларга Парламент сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг мазмуни ва йўналишларини тушунтириб бердилар, одамларнинг тайёрланган ҳужжатлар тўғрисидаги фикрларини ўргандилар, мамлакат раҳбарияти ўтказаётган сиёсатнинг моҳиятини очиб бердилар.

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 17 август куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

“Ватан тараққиёти” партияси фракциясининг йиғилиши 18 август куни соат 9.30 да Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказилади. Шу куни “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисда ўтказилади.

# ЭРК МАНЗАРАЛАРИ

*МЕН СЕНИНГ УЧУН ТИРИЛДИМ,*
*СЕНИНГ УЧУН ЯШАРМАН,*
*СЕНИНГ УЧУН ЎЛУРМАН, ВАТАН!*
**ФИТРАТ**

**1**

... Ҳали сочларим ўримга келмаган қизалоқ пайтимдан кўзимга муҳрланган манзаралар: Куз... Мактаб остонаси... Биринчи қадам...

Ўқитувчимиз илк сабоқни бошлайдилар: “Қани, болалар, бараварига такрорлаймиз: биз Ленин болаларимиз!” Кўримсизгина синф деворларидан акс-садо қайтади: биз Ленин болаларимиз... Биз Ленин болаларимиз...

Улкан қора партага жон жаҳди ва ихлос билан қўлларини қўйиб, ўқитувчисига ҳайрат ва ишонч тўла беғубор нигоҳларини тиккан қизалоқ меҳр билан шивирлайди: “ Биз Ленин болаларимиз!”

Яна бир манзара: қирчиллама қиш. Тизза бўйи қорни аранг кечиб келаётган, сумкаларига авайлабгина ё бир бурда нон, ё бир ҳовуч туршак ёки майиз солинган, юпунгина кийинган болалар қиш бўйи чакка ўтиб ётувчи синф хонасига қунишибгина кирадилар. Улар менга худди бўғотлар қатида ҳурпайиб, қунишиб, совуқда қийналибгина “ку-ку”лаб қўйувчи мусичаларни эслатади. Синф хонасидаги совуқ болаларни чақиб олади. Баланд бўйли, оққўнгил Усмон ака — ўқитувчимиз хижолат. “Болаларим, бугун яна кўмир йўқ, — кўзимизга қарамай сўзлашда давом этади. — Келинглар, озгина шохшабба ёки қоғоз топайлик. Сал исиса ҳам ҳарнада”...

Бир тутам ҳўл ўтин, қоғоз парчалари... Хона тутунга тўлиб қолади. Бўғилиб йўтала бошлаймиз. Ўқитувчимиз бизларни ташқарига олиб чиқади. Музлаб яна ичкарига кирамиз. Ўқитувчимизнинг совуқ қотган овози қулоқларимиз остида илтижо қилади: “Қани, болалар, айтинглар-чи, бизлар киммиз? Ҳа, баракалла! Биз Ленин болаларимиз!”

Совуқдан кўкариб кетган жажжи муштлар тўхтовсиз “куҳ-куҳ”ланади, жажжи оёқлар депсинади, овозлар тутунлар ичидан сизиб чиқади: “Биз Ленин болаларимиз”...

Уйга қайтамиз... Шошганимдан сопол сиёҳдоним чайқалиб, латта жилдни бўяйди. Уйимиз олдида мени кутиб турган буважоним узоқдан кўра солиб, ҳассасини қорга ботириб, аранг олдимга келиб, кўтариб оладилар. Бўйниларидан қучоқлайман. Соқоллари юзимни қитиқлайди. “Буважон, биласизми, биз киммиз? Биз Ленин болаларимиз”,- дейман ғурур билан. Бувамнинг кўзларидаги қувонч сўнади. Мени секин ерга туширади. Уҳ тортади. Жим бўлиб қоладилар. Кейин секин менга қараб: «Оҳ, соддагина болам-а, — дейдилар шивирлаб. — Сен менинг боламсан, боболарингнинг боласисан, боболарингнинг боболарини боласисан. Бошқа ҳеч кимнинг эмас... Тушундингми?..»

Энди аллақачон абадий роҳатга юз тутган, қишлоғининг ҳар бир қаричини жон қадар севган, босган изларида боғлар гуллаган, доно-донишманд авлодлари, мол-мулклари сиёсат қўлида хазонга юз тутганлигидан кўксининг соғ жойи қолмаган, умрининг сўнгги чоғларидаги васияти ҳам ўз хилхонасига қўйишни сўраган буважонимнинг ушбу сўзларини эсласам, бўғзимни йиғи тирнай бошлайди. Увол бўлган, алданган, хўрланган болалигим муздек хонадаги тутун сароблари орасидан сизиб чиқиб, миямни пармалайверади: “Биз Ленин болаларимиз...”

**2**

Йил оғир келади... “Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак” деганларидек, олтита бола ёз бўйи тинмаймиз. Уйимиз олдидаги тегирмон анчадан бери тортадиган дон йўқлиги учун тўхтатиб қўйилган. Саратон ёндиради. Буғдойга ўрим тушган. Далалардаги нўхотзорларда ҳам иш қизғин. Бир ҳафтага қолмай ҳаммаёқ шип-шийдам бўлиб қолади. Руҳсат теккач, машоқ тергани чиқамиз. Кун шундоқ ёндирадики, ичгани олиб чиққан сувларимиз ҳам қайнаб кетади. Оиланинг кенжасиман. Уйга кетгим келаверади. Опаларим уришиб беришади: бир пасгина сабр қил, ҳадемай салқин тушади. Бошоқ излашда давом этаман. Бошим лўқиллайди. Ер оташ уфуради. Кечқурун алангаи оташ бўлиб ёнаман. Бурним тўхтовсиз қонайди. Онам — дунё азоблари букмаган муштипарим — сачратқи топиб, бир челак сувга ивитиб қўядилар.

“Халқимизнинг косаси сира-сира оқармади-да... — Даврада катталар гурунги бошланади. — Не-не кунларни кўрмадик-а. “Банданинг боши-оллонинг тоши” деганлари рост экан. Нон деганда кесак ғириллаган замонлардан ҳам омон қолдик. Бурчоқ тергани чиқиб, очликдан қанча-қанча қадрдонларимиз шишиб ўлди. Шукур қилайлик, сабр қилайлик, бизнинг ҳам бошимизга офтоб чиқиб қолар”...

Оҳ, эрк қуёши балқишини интизор кутган азизларим, биз кўзимизга тутиё қилаётган бу озод, бу ҳур кунларга, афсуски, сизлар етолмадингиз. Бўғзингиздаги эрк нолалари ҳар баҳор қабрингиз устида маъсум чечакларнинг яшил туғига айланиб, эҳтимол, барчамизни қутлаётган бўлса ажаб эмас...

**3**

Университетни “аъло”га туғаллайман. Йўлланма Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига — ўқув практикасини ўтказган жойим - бадиий эшиттиришлар редакциясига. Сабаби нималигини билмайман-у, у ерга кераксиз деб топиламан. Кўнглим чўкади. Руҳим синади. Шунда кимдир “Чет элларга эшиттириш бўлимида иш бор”, — дегандек бўлади. Судралибгина бораман. “Бизга шоирлар керак эмас, ишлайдиганлар керак, қани, икки-уч ой синов муддатини ўтаб кўринг-чи, шунга қараб тақдирингиз ҳал бўлади”, деган ўгитларни жимгина бошимни эгиб эшитаман. Руҳимда яна нимадир қарсиллаб синади. Ниҳоят, тақдиримни ҳал қилувчи ой келади. Ҳужжатлар диққат билан текширилади. Ушбу аснода қўнғироқ сирли жаранглайди. “Текшириб кўринглар-чи, рус тилини яхши билармикан, яхши билса, қабул қилинглар!” Юрагимнинг ичида бўрон қўзғалади. Ичимдаги тўлқин маҳкам жипслашган тишларим деворларига урилиб-урилиб, қайтиб кетади. Кўз ўнгимда эса олтита боласини тишида тишлаб, оқ ювиб, оқ тараган, ҳалол луқма билан боққан онамнинг изтиробли чеҳраси намоён бўлади.

“Оҳ, Онажоним, дейман, болам деган, алла айтган тилларингиздан ўзим ўргилай, онажон, ўзбеклигим, шеърлар ёзишим гуноҳми? Бу юрак билан бу ифлос муҳитда қандай яшай оламан, айтинг!” Юрагимни поёнсиз ғусса чулғайди. Ёзилажак шеърларим юрагимнинг туб-тубига кул бўлиб тўкилаверади. Эгилиб, синиб-синмай ҳар ойда 25 сўмдан ҳақ олувчи рус опанинг олдига — ижара уйга бораман. Оқшом чўкади. Тунни шимираман. Кўксимни аламли ҳасрат чулғайди. Назаримда, бутун Ўзбекистон улкан ижара уйга ўхшайди. Навоий ҳазратларининг китобларига бошимни қўйиб, товуш чиқармай, тўйиб-тўйиб йиғлайман. Кўз ёш аралаш мисраларни такрорлайман. Китоб ҳўл бўлиб кетади. Толиқаман. Шу куйи бошимни китобга қўйиб, ухлаб қоламан.

Эртасига эса иш бошлайман. Эрта тонгдан то тун ярмигача “бахтли совет кишилари” ҳақида хорижни хабардор қилувчи эшиттиришлар тайёрлаймиз. Мамлакат ичкарисида одамлар пахта далаларидаги гербицид, бутифос ёмғиридан заҳарланиб ўлади. Биз улар ҳақида “далаларда жавлон уриб, меҳнат нашидасини сурмоқда”, деб хабар берамиз. Мамлакат ичкарисида бутун бошли бир авлод ўз тарихи — адабиёти, тили, улуғ сиймоларидан атайин узоқлаштирилиб, бегоналаштириб борилаверади. Биз унинг акси ҳақида гапирамиз. Шу зайлда йиллар ўтаверади. Биз гапирган ёлғондан оппоқ қоғозлар қон рангида қизариб кетди. “Ижодий минбар”ларда фақат ўзга тилда сўзладик, фикрладик. Она тили ингради, кишанларда азоб чекди, зиндондаги Алпомиш каби ёруғликка чиқмоққа беҳуда уринди. Аммо совет машинаси шафқатсиз ишлади: тирик фикрлиларни совуққонлик билан ғажиб ташлади...

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — Ватаним маним

# БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Пойтахтдаги Халқлар Дўстлиги саройида мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган Ўзбекистон қўшиқ байрамининг кўрик-танлови ғолиблари, совриндорлари, республикамиз санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Концерт бошланишида сўзга чиққан маданият ишлари вазири Х.Жўраев мамлакатимизда тўртинчи маротаба ўтказилаётган Ўзбекистон қўшиқ байрами ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, янги-янги қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, йил бошидан бери давом этиб келаётган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик-танлови давомида Ватан туйғуси, халқимиз бунёдкорлиги, меҳрибон оналаримиз, гўзал диёримиз, меҳр-оқибат, дўстлик, одамийлик мадҳ этилган ўнлаб қўшиқлар вужудга келди. Уларнинг энг саралари кўрик-танловнинг якуний босқичига ҳавола этилди. Ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

* * *

Шу куни мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида анъанавий Ўзбекистон қўшиқ байрами кенг нишонланди. Етук санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида катта байрам концертлари намойиш этилди.

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭРК МАНЗАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**4**

*Кишан киймa, бўйин эгма,*
*Ки сен ҳам ҳур туғилгонсан.*

**Чўлпон**

Университет... "Диамат", "Истмат" фанлари ёш онгимизга нималарнидир тиқиштиришга беҳуда уринади. Домлалар ўзлари тановвул қилишни хоҳламаган таомни нозиклик билан бизга узатадилар. Табиийки, ёшлар сезгир, қайсар ва инжиқ бўлади. Таом қандай узатилган бўлса, қўл тегизилмаган ҳолатда ўзларига қайтади. Миямиз "диамат"ни ҳам, аллақандай "истмат"ни ҳам қабул қилмайди. Туннинг оққўнгил оғушида биз Абдулла Қодирийнинг Кумушбибисига оғу ичирган замонга лаънатлар ўқиймиз. Яширинча ёниқ ҳасратли, бироқ қайғулари бутун бир авлодни тирилтирадиган Чўлпон ва Фитратларнинг қўлга тушган асарларидан парчалар ёдлаймиз. Қўлёзмаларни яна авайлаб бир-биримизга узатамиз.

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлни йўқотдим-ку,*
*Асрлиғ тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.*
*Карашма денгизин кўрдим, на нозли тўлқини бордир,*
*Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку...*

Ҳалокат бўлғусин билмай... Ушбу мисраларни такрор ва такрор ўқиганимда, юрагим ларзага тушади.

**5**

Энди совет сиёсатининг кураш навбати ўликларга келади. Ким марҳумлар бошида жаноза ўқиса — у қариндошими, марҳум отасими, онасими, фарзандими, қатъий назар — совет партиясига мансуб бўлса, жонажон "партбилети"дан ва амалидан айрилади. Мамлакатта қабристон сукунати чўкади. Ҳамма - бутун мамлакат - овоз чиқармай Яратганга илтижолар қилади. Илтижолар, нолалар бўғзини қонатади. Дард бўлиб, вақтидан олдин тўшакка михлайди. Мунофиқлар эса ўша-ўша: улар ҳар қандай замон ва маконда ҳам яшнаб, гулга кираверадилар. Тўну кун совет сиёсати сайрайди: "80 фоиз аҳолиси саводсиз бўлган Ўрта Осиёга биз илм олиб кирдик. Етмиш йиллик бундай ғамхўрликлардан Ўрта Осиёнинг ҳам "ақли бирдан киради" — у юз йил олдинга сакраб, "ўз ихтиёри билан" улуғ ва қудратли Россияга "қўшилиб олади"...

**6**

... Ўзбекистонга қонсираган Гдлян келади... Шундоқ ҳам эрксизлик кишанлари бўғзи ва қўлларида хурсанд шилдираган, етти ёшидан етмиш ёшигача дала ва уйининг остонасидан бошқа жойни кўрмаган, ҳасратли Ватанини қалбида авайлаб олиб юриб, унга қўшилишиб йиғлаган, унга қўшилишиб қон қусган, бир бурда нонини ўзи емай, уруш йилларида ота-онасиз қолган, жовдираган оч-яланғоч болаларга тутиб, бағрига босган, улуғ тарихидан бўлак илоҳий хазинаси бўлмаган Ўзбекистонга Гдлян келади... Бу қандай юриш эди ... Совет сиёсатининг жон чиқар олдидаги навбатдаги "салб юришимиди?" Каламушлар ерy кўкни кавлайдилар: "қани, муттаҳам ўзбекнинг яшириб қўйган олтинлари?" "Пахта иши" "ўзбек иши"га айланади. Москва турмалари тўлиб кетади. Каламушлар ўзбекнинг пўстагигача тита бошлайди, бўйраларининг тагигача ҳидлаб кўради. Уради, хоҳлаганча ҳақорат қилади, кейин ҳузур қилиб ўзбекнинг бўғзидан ғажиб кетади...

Бундай манзаралар кўзим ва кўнглим ичидан тинимсиз қайнаб чиқаверади. Гербицидлар, бутифослар оғусидан жигари ириб кетган бутун бир авлод, ёшига етмай лолақизғалдоқлардай бир яшнаб, яна йўқликка учган минглаб гўдаклар... Булар ўзбек халқининг ҳар бир ҳужайрасига ўчмас бўлиб ёзилган тарих... Агарки, кимда-ким улардан кўз юмиб, уни оёқ ости қилиб қутлуғ Озодликка келган бўлса, гумроҳдир. Унинг муқаддас Озодликни соғингани қип-қизил ёлғондир...

**7**

Биз 1991 йил 1 сентябрига ҳар дақиқаси миллион йиллар азобини ва таҳқирини берувчи Дашти Карбало саҳроларидан товонларимиз ва Эркни соғинган қалбимиз қонаб кечиб келдик. Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига тўла маънодаги озод ва ҳур Ватанга ичикиб, уни соғиниб, унинг йўлида беҳисоб қурбонлар бериб келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига вақтидан олдин кексайиб, вақтидан олдин сочларимиз оқариб, бироқ ўзбекона юрак билан келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига улуғ соҳибқирон Амир Темур ва унинг тулпорлари туёқларидан чақнаган Эрк чақинлари ила келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига муқаддас Қуръони шарифни бағримизга босиб, дини исломдек гавҳаримизни кўксимизга жойлаб, Яратганга беадад шукурлар айтиб, тугатилган ўз масжиду меҳробларимизни қайта тиклаб келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига ўзини ҳақиқий ўзбек деб биладиган, шу Ватандан ўла-ўлгунимча қарздорман, деган туйғулардан ҳар куни юксаладиган қалблар билан келдик.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябрига улуғ боболарининг тоза қони томирларида гувиллаб оққан, Миллат озодлигини умрининг мазмуни деб билган, уни онасидек, фарзандидек, Ватанидек, миллатидек суйган ва унга бутун умри, ҳаётини бағишлаётган Президенти билан келдик.

**8**

Кимдир бутун умри давомида ўзи яшаган тупроққа бир туп ниҳол экмайди. Лекин дунёдан талаби беқиёс: гугурт бир тийин, картошка фалон тийин, гўшт фалон сўм бўлган замонлар яхшимиди-ей, деб қўмсаб қолади. Ўйлаб қоламан, шўроларнинг мудҳиш сиёсати биздек кўзи тўқ миллатни наҳот шу даражага келтириб қўйган бўлса? Лекин худди ўша одамнинг қўлларида, бўйинларида тиллолар ярақлайди. Кимдир ўзини демократ деб кўкрагига уриб қолади: унинг ҳам жамият олдига қўйган талаблари замирида аслида шахсий истак ва хоҳишлар ётади.

Улар учун ўзбек халқининг "Умид"лари дунёлар билан бўйлашаётгани, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси кун сайин ўзгараётгани, қўлдан кетган мулклар яна ўз эгасига — халққа қайтаётгани, ўзбек ўз машинасида узун йўлларни қисқартираётгани, гўдакларининг танглайи Яратган эгам ва Давлат мадҳияси билан кўтарилаётгани ҳам қувончли эмас.

Ҳақли савол туғилади: нега? Ким ўзи улар? Нега она-Ватанга зарур дамларда қўрқоқ пингвинлар каби ўз соҳилидан бир қадам Мустақиллик, Озодлик томон қадам қўймайдилар. 70 йил аввал она-Ватан хомталаш бўлган вақтларда нега улар кесилаётган тил, кўмилаётган тарих, таҳқир қилинган ислом динининг ҳимоячилари сифатида майдонга чиқмадилар! Масжиду мадрасаларга ғаним отлари боғлаб қўйилиб, оёқ ости қилинганда, ҳозир ўзларини "ҳезбут таҳрир"чилар деб кўнгиллари сиёсий мавқе, ҳокимият тусаб қолган кимсалар қайда эди? Узоққа бормайлик, 1976-1986 йиллар — турғунлик йиллари деб ном олган, сиёсий инқироз куртаклаб қолган бир вақтда улар нега ўзларини намоён қилмаган эдилар?

Ватан илдизлари жонига томир отган кимсалар шундай йўл тутадиларми? Асло!

Тонгни ўз дуолари билан қаршилаб, тундан хотиржамлик, тинч уйқу сўрайдиган, топганига шукур қиладиган қўли қадоқ халқ номусулмон бўлиб қолдими?

Болаларини бетаҳорат эмизмайдиган оналаримиз номусулмонми?

"Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратини эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради", деб ёзади раҳбаримиз.

16 февралнинг мудҳиш воқеалари Эрк душманлари қаттиқ талвасада эканликларининг тарихий исботидир. Зеро, ўзбекнинг ҳалол орзуларидан тўраган болалар она-Ватан юзини абад ерга қаратмайди. Улар ҳеч қачон ғаним пулларига Ватанини, динини сотмайдилар. Бундай қилишига томирларида оқаётган улуғ боболари, аждодларининг табаррук қонлари сира йўл қўймайди. Зеро, Она Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Шайх Нажмиддин Кубро каби юзлаб она-Ватан тимсоллари ҳақидаги битиклар фарзандларимиз учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлади.

Зеро, тарих эзгулик ва ёвузликларга ҳам бирдек доядир. Мардлар ёнида номардлар келиши, садоқат ёнида хиёнат туриши, Маҳмуд Ялавочлардан Маҳмуд Ялавочлар туғилиши — бу улуғ халқ ва унинг Эрк деган гавҳари тақдирига ҳеч қачон соя сололмайди.

Чунки дон ҳамиша дон, сомон ҳамиша сомон. Сомонни йиллар шамоли аямасдан узоқ-узоқларга учириб кетади.

Халқимиз эса тобора уйғониб бораверади. Уни истиқлолимиз кун-бакун уйғотиб бораверади.

Бандаси самога тош отса, бошига тушади. Ўз онасига, Ватанига кўтарилган қўлни тарихнинг қасос қиличи кесиб ташлайди.

Ватан кўксига суқилмоқчи бўлган ханжар хоин юракнинг ўзига санчилади. Бу — аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

*Мен сенинг учун тирилдим,*
*Сенинг учун яшарман,*
*Сенинг учун ўлурман, Ватан!*

деб ёзган эди улуғ Фитрат. Ва у жон берганида ҳам, кўксида Эркнинг туғини баланд кўтариб, миллат боши узра хаёлан ҳилпиратиб, хаёлан юз-кўзига суриб, абадийликка номини муҳрлаган эди.

Зеро, Фитратнинг бу улуғ сўзлари Эркни таниган, билган, уни суйган ва у билан яшаган ҳар бир миллатдошим учун, она-Ўзбекистоннинг иймонли инсонлари учун томирдаги қони ила қўшилиб оқадиган муқаддас қасамдир.

**Шарифа САЛИМОВА.**




## МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

*Шу кеча-кундузда ғўзанинг гуркураб ўсиши, кўплаб ҳосил тугунчалари тўплаши, эрта-индин очиладиган кўсакларнинг тўқ бўлиши, аввалambор, сувчи ва механизаторнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Буни Зарбдор туманидаги «Бахт» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси механизатори Маҳмуд Исмоилов жуда яхши билади. Чунки у 12 йилдирки, ўз касбини ардоқлаб келмоқда.*

*— Бу йил 280 гектар майдонда ғўза ўстираяпмиз, — дейди моҳир механизатор. — Унинг ривожи яхши. Ҳозир ҳар туп ғўзада 6-8 тадан бўлиқ кўсак бор. Шунинг ўзиёқ мўлжалдаги ҳосилга пухта замин яратилганини билдиради.*

**СУРАТДА: механизатор Маҳмуд Исмоилов.**

**Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.**

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Август ойининг биринчи ўн кунлигида Оққўрғон, Паркент, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ, Юқори Чирчиқ, Чирчиқ, Бўстонлиқ каби туман ҳамда шаҳарларда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар билан эркин мулоқот тарзида семинар-суҳбатлар ўтказилиб, уларга сўнгги саккиз ой ичида амалга татбиқ этилган солиқ тизимига оид йигирмадан зиёд йўриқнома ва тўлов тартиблари ҳақида маълумотлар берилди.

— Бу мулоқотлардан кўзда тутилган асосий мақсад тизимдаги ўзгариш ва янгиликларнинг моҳиятини халқимизга тўғри тушунтиришдан иборатдир, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент вилояти солиқ инспекцияси табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиққа тортиш бўлими бошлиғи Ўрозбой Юсупов. — Ягона ер солиғи, яъни кичик корхоналар учун ягона ер солиғи тартибларининг жорий этилиши тадбиркорликни ривожлантириш учун бир қатор афзалликлар яратганлигини фуқароларимизга мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб, тушунтираяпмиз. Масалан, аввал фермер ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи тадбиркор томонидан ўнга яқин солиқ турлари тўланиб келинган бўлса, ягона ер солиғи жорий қилингач, йил ўртасида солиқ ҳажмининг ўттиз фоизи, йил охирида эса қолган миқдори тўланадиган бўлди. Бу тадбиркорга меҳнат фаолияти давомида иқтисодий мавқеини тиклаб олиш имконини беради. Масалан, Зангиота туманидаги «Ёрдамчи» фермер хўжалигининг ўтган йилги солиқлар бўйича 748,768 минг сўм, жорий йилда ягона ер солиғи бўйича 513,784 минг сўм тўлагани, яъни ана шу фермер хўжалигидан олинган солиқ миқдори ўтган йилдагига нисбатан 32 фоиз камайгани бунинг исботидир.

Солиқ тизими ходимларининг режасига кўра, август ва сентябрь ойларида вилоятнинг бошқа туман ҳамда шаҳарларида ҳам солиқ ижрочилари билан эркин мулоқотлар ўтказиш кўзда тутилаяпти.

**«Туркистон-пресс».**

Истиқлол шарофати

## МАЛИКЧЎЛДА ЯНГИ ШАҲАР

Кармана фақат Буюк Ипак йўлида жойлашгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки бу қадимий шаҳар асрлар давомида Шарқнинг икки буюк шаҳри — Бухоро ва Самарқандни бир-бири билан худди мустаҳкам белбоғ мисол боғлаб келади. Бухоро ва Самарқандда бўлган энг муҳим тарихий янгиликлардан, катта-кичик воқеалардан дастлаб карманаликлар хабардор бўлганлар. Шунингдек, ҳар икки шаҳарда рўй берган турфа жароҳатлар, қийинчиликлар Карманани ҳам четлаб ўтмаган. Айниқса, собиқ шўролар даврида Кармана деярли ташландиқ ҳолга тушиб қолди. Кармана Арки, машҳур Карвонсарой, қўҳна Қўрғон мажмуаси 60 — 70-йилларга келиб, шафқатсизларча бузиб ташланди. Кармана ва унинг ҳудудида мавжуд бўлган 14 та чорбоғдан фақат кундалар, шўр босган майдонлар қолган, холос. Қарияларнинг эслашича, бу боғларда энг сара мевалар етиштирилган. Бу мевалар Осиё ва Оврупо бозорларига ҳам етиб борган. Ҳатто Карманaнинг об-ҳавоси, деҳқончилиги, ширин-шарбатли боғлари ҳақида «Бобурнома»да ҳам гўзал таъриф берилган.

80-йилларга келиб, Мирсаид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх мажмуасининг номигагина таъмирланганлигини ҳисобга олмаганда, Кармана ўз ўтмишидан, тарихидан, маданий обидаларидан шафқатсизларча жудо қилинди, шаҳар сифатида асл қиёфасини йўқота бошлади. Сўнгги 30-35 йил ичида Кармана тақдири учун ҳеч ким қайғурмади. Бирор-бир кўзга кўринадиган қурилиш ёки ободонлаштириш ишлари амалга оширилмади. Бу ҳам етмагандек, Навоий шаҳри саноат корхоналари фақат Карманани эмас, балки унинг каттагина ҳудуди экологияси, табиий шароити ва экин майдонларига салбий таъсир кўрсатди. Шундоқ Навоий шаҳрига туташ бўлган Кармана кундан-кунга нураб борганлиги кечагидек кўз олдимизда турибди.

Мустақилликнинг ҳурлик шамоли Карманага ҳам етиб келди. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилинган маърузада Кармана ҳақида куюниб гапирилди. Бизни унутилаётган шаҳар тақдиридан жиддий огоҳ этди: **«Азиз биродарлар, барака топгурлар, айтинглар-чи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада? Ёки Чўли Маликдаги эски Работ ва Сардоба қачон пайдо бўлган? Сармиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?..**

**Навоийликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюк аждодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?**

**Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало, шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинаккам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман».**

Бу ҳақли ва ҳаққоний сўзлар ҳаммамизни ўйлантириш билан бирга, Кармана тақдири билан қизиқишга, унинг бугуни ва эртаси учун қайғуришга, ободончилик ишларини амалга оширишга даъват этди. Бир сўз билан айтганда, карманаликларни ғафлатдан уйғотиб юборди, ўзини, ўзлигини англашга ундади.

Шу йил 16-17 апрель кунлари Навоий шаҳрида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Навоий вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Кармана ва унинг Марказий Осиёда тутган ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуманда қатнашган академиклар А. Муҳаммаджонов, Ю. Буряков, Тарих институти директори М. Исоқовнинг маърузаларидан маълум бўлдики, Кармана кўп қадим шаҳар бўлиб, Ўрта Осиёнинг маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Бу ерда илм-фан тараққиётига ҳисса қўшган алломалар, олимлар, шоирлар етишиб чиққан, деҳқончиликнинг ўзига хос мактаблари бўлган.

Бугун шаҳарнинг тарихий қадр-қимматини тиклаш, маданий обидаларни таъмирлаш фурсати етди. Президентнинг 1999 йил 27 майдаги «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони бу йўлдаги энг қутлуғ ва дадил қадам бўлди. Кармана ва карманаликларнинг елкасига ҳам мустақилликнинг шарофатли офтоби тегди.

— Ушбу Фармондан биз, барча навоийликлар беҳад хурсанд бўлдик, — дейди Навоий тумани ҳокими Эргаш Бердиев. — Фармонда Карманани ҳар жиҳатдан асраб-авайлаш билан бирга, унинг нурли келажаги ҳам аниқ белгилаб берилган. Кармана алоҳида туман бўлиб, Навоий шаҳри таркибига кирганлиги боис, Навоий тумани маркази янгидан бунёд этилади. Бўлажак янги шаҳарни халқимизнинг талаб-истаклари билан Исломобод, деб атадик. Таклифимизга Юртбошимизнинг розилик берганликларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. «Тошкент—Бухоро» катта тракт йўлининг Маликчўл қисмида қуриладиган янги шаҳарнинг лойиҳаси устида иш қизғин давом этаяпти. Худо хоҳласа, шаҳарнинг қурилишини тез кунларда бошлаб юборамиз. Бу янги шаҳар нафақат навоийликлар, балки бутун халқимиз фахр ва ифтихор этадиган энг гўзал, энг чиройли маскан бўлиб қолади...

Ҳокимнинг завқ билан тўлиб-тошиб гапиришидан маълум бўлдики, навоийликлар XXI асрга янги шаҳар бунёд этган ҳолда кириб борадилар. У жаҳон андозаларига хос ва мос тарзда қурилади, ўз қиёфасида озод ва ҳур Ўзбекистонни мужассамлантиради.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

## ЎЗ МАБЛАҒИ ҲИСОБИГА

Кегайли туманидаги 10-сон умумтаълим мактаби биносини таъмирдан чиқариш учун бу йил бюджетдан маблағ ажратишга ҳожат қолмади. Мактабнинг уч гектар ерида етиштирилган полиз ва сабзавот экинлари ҳосилини сотишдан тушган юз минг сўм мактабни сифатли таъмирлаш учун кифоя қилди.

Туман ҳокими қарорига кўра, М.Жуманазаров номидаги қишлоқ хўжалиги ширкатлар уюшмасидан мактабга ажратилган ерда мактаб жамоаси ва ўқитувчилари етиштирган ҳосил кутилганидан ҳам мўл бўлди. Улар яна чорак миллион сўмлик маҳсулот сотишни мўлжаллашмоқда. Олинган маблағ асосан мактаб учун зарур ўқув қуроллари ва жиҳозларини харид қилишга сарфланади.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚУРУВЧИЛАРГА – «ОЛТИН ҚУЁШ»

***Қирғулида фаолият кўрсатаётган 3-темир-бетон буюмлари корхонасининг қурилиш тизимида ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор. Бу корхонада тайёрланган темир-бетон буюмлари, ҳавозалар ва бошқа турли хил қурилиш жиҳозлари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва кимё саноатининг қатор корхоналари янги иншоотларини барпо этишда хизмат қилмоқда.***

*Байрам туҳфалари*

Яқинда корхонага олис Мексикадан хушхабар келди. Унда айтилишича, дунёдаги нуфузли маркетинг ва сифат бўйича халқаро уюшма корхонани «Олтин қуёш» совринига муносиб, деб топибди. Бу қувончли хабар мамлакатимизнинг 8 йиллик тўйи арафасида корхона меҳнаткашларини беҳад руҳлантириб юборди.

Маълумки, мазкур халқаро уюшма ўз совриндорларини махсус тавсиялар асосида эмас, балки корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қўшаётган ҳиссасига қараб аниқлайди. 3-корхонага келсак, унинг бунёдкорлари бугунги кунда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, азот бирлашмаси, Фуран бирикмалари кимё корхоналарида Япония, Германия, Англия ва Туркия фирмалари мутахассислари билан бирга фаолият кўрсатишяпти. Дунёдаги нуфузли совринга лойиқ деб топилишида шу чет эллик қурувчилар, мутахассисларнинг фикри алоҳида эътиборга олинганлиги бежиз эмас. Қолаверса, ҳозир ушбу корхонада 130 хилдан ортиқ темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

— «Олтин қуёш» совринини олишга сазовор бўлганлигимиз зиммамизга янада юксак масъулият юклайди, — дейди корхона раҳбари Жаҳонгир Аҳмедов. — Биз юртимизнинг тағинда ривожланишига, улкан корхоналар бунёд этилишига ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан беҳад мамнунмиз.

«Олтин қуёш» соврини шу ойнинг охирида корхона вакилларига Мехико шаҳридаги «Кроун плаз» меҳмонхонасида тантанали равишда топширилади. Корхона вакиллари эса шу кеча-кундузда Мексика сафарига тайёргарлик кўришаяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

## ТАДБИРКОР — ФИДОЙИ ОДАМ




Гулнора Маҳмудова билан мўъжазгина ишхонасида учрашдик. Эшикни очишим билан у компьютердан нигоҳини узиб, менга юзланди. Саломлашдик. Гулнора нимадандир хурсанд эди.

— Хушхабарнинг устидан чиқдингиз, — деди у қувончини яширолмай. — Ҳозиргина Брюсселдан хабар келди. Тошкент вилояти тадбиркор аёллари учун ўқув маркази ташкил этиш ҳақидаги лойиҳамиз тасдиқланибди. Тез орада экспертлар вилоятимизга ташриф буюриб, амалий ишга киришадилар. Уларнинг ёрдамида аёлларимиз бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини юргизиш ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Суҳбатимиз у тадбиркорлик фаолиятини бошлаган йилларга кўчди.

— Мутахассислигим иқтисодчи эмасми, мустақиллик туфайли мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгач, шу соҳада ўзимни синаб кўришга аҳд қилдим, — дея гап бошлади Гулнора. — Ёғ ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон-Греция» қўшма корхонасида аввал товаршунос, сўнгра тижорат ишлари бўйича директор, кейинчалик эса тикувчиликка ихтисослашган «Ўзбекистон-Туркия» қўшма корхонасида иқтисодчи бўлиб ишладим. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, шу корхонанинг бош директори лавозимига тавсия этишди.

Шу тариқа Гулнора турли корхоналарда обдон пишиб, тажриба орттиргач, энди хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Шу мақсадда Зангиота тумани ҳудудидан қаровсиз ҳолда ётган ярим гектар ерни ижарага олиб, 20 аёлга мўлжалланган тикувчилик корхонасига асос солди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этди. Қиш ва баҳор ойларида турли сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун янги иссиқхонани ишга туширди. Ҳозир ана шу тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Дарвоқе, Гулнора Маҳмудова 1997 йилдан Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмасига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган ушбу уюшманинг юз нафар аъзоси бор. 12 та туманда эса унинг бўлимлари мавжуд.

Вилоят тадбиркор аёллари мустақил давлатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб, сезиларли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, Қибрай тумани «Тадбиркор аёл» бўлими раиси Шоира Рустамованинг фаолияти диққатга сазовор. У раҳбарлик қилаётган корхона ишчилари парранда патларини қайта ишлаш эвазига йилига 4-5 миллион сўмдан ошириб даромад олишаяпти.

Юқори чирчиқлик тадбиркор Фарида Шокирова эса турли цехлар ташкил этиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатмоқда.

— Ишимизда ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам бор, — дейди Г.Маҳмудова. — Бу, биринчидан, тадбиркорларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари, иккинчидан, жойларда айрим маҳаллий раҳбарлар кичик бизнес ривожланишига тўсқинлик қилаётганликлари оқибатидир.

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган «Аёллар тадбиркорлиги муаммолари ва уларни ҳал этишга оид таклифлар» мавзуидаги анжуманда бу ҳақда очиқ айтилди, амалий тадбирлар белгиланди...

Суҳбатимиз мавзуи айланиб яна Гулноранинг ўз режаларига, тош босадиган жўяли фикрларига келиб тақалди.

Гап шундаки, Гулнора хорижий тадбиркорларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида тараққий этган бир неча давлатларда малака ошириб қайтди. Ҳозир Гулнора ишлаб чиққан учта истиқболли лойиҳа устида мутахассислар фаол иш олиб боришмоқда. Яна икки лойиҳа мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этилган.

Мазкур лойиҳалар вилоятдаги ишсиз аёлларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган. Булар Тошкент вилоятининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларида истиқомат қилувчи аёлларга уй шароитида сут, мева ва сабзавотни қайта ишлаш, миллий ширинликлар (парварда, пашмак, шинни, новвот) ишлаб чиқариш технологиясини ўргатиш ва шу йўл билан жойларда кичик бизнесни ташкил этишга оид лойиҳалар бўлиб, Америка Қўшма Штатларининг Очиқ жамият институти томонидан тасдиқдан ўтган. Уларни амалга ошириш учун етарли миқдорда маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошида шу йўналишда ўқитишнинг дастлабки босқичи бошланди.

— Ҳозир сиз ҳам кўпчилик журналистлар берадиган анъанавий савол билан мурожаат қилсангиз керак? — деди у кутилмаганда.

— Нимани назарда тутаяпсиз? — сир бой бермай сўрадим ундан.

— Тадбиркорликка обдон шўнғиб кетибсиз, оилага қараш қандай бўлаяпти, деб савол беришади-да кўпчилик ҳамкасбларингиз. Мен уларга аёл тадбиркор бўладими ёки бошқа юмушнинг этагидан тутадими ёхуд юқорироқ лавозимда хизмат қиладими, қатъий назар, у ҳамиша оила бекаси бўлиб қолмоғи шарт, деб жавоб бераман. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташкилий ишлар ўз йўлига. Уй-рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш аёл учун, она учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ахир, оила ҳам кичик бир давлат, деган гап бор...

Гулнора Махмудова таржимаи ҳолига бирров кўз югуртираман: 1964 йилда туғилган. Тошкент иқтисодиёт университетини имтиёзли диплом билан тугаллаган. Турмуш ўртоғи Мурожон Маҳмудов билан уч фарзанд — икки ўғил ва бир қизни тарбиялашмоқда.

Ҳа, бугун Гулнорага ўхшаган янги давр одамлари жуда кўп. Уларнинг дунёқарашлари, фикрлашлари, тафаккури, ўй-режалари, иш юритишлари бўлакча. Улар нафақат бугунги, балки эртанги кун уфқини ҳам аниқ кўра оладиган, замоннинг нафасини яхши биладиган, янгиланиш сарҳадларида ўз бўй-бастларини кўрсатишга қодир юртдошларимиз. Мустақил давлатимизнинг келажагини, унинг порлоқ истиқболини, тараққиёт бекатига барвақтроқ етиб боришимизни ана шундай фидойиларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.**

